

## **IMPROVING THE TAXATION OF NATURAL RESOURCES AND PROPERTIES**

**The summary:** In the article critically examined the theoretical aspects and the current state of taxation of natural resources and property as well as their types and significance in the state budget revenues; identified problems in this area and given the author's reasoning for their solution.

**Key words:** Taxation of natural resources and property, land tax, subsoil-use tax, tax on water consumption, property tax.

The adoption of the Concept of improving the tax policy of the Republic of Uzbekistan has resulted in a drastic change in the system of taxation of natural resources and property. The introduction of property tax, land tax and water resources tax for all businesses has created an economic mechanism for the efficient and rational use of such resources.

The tax system of the country and its features are reflected in the Tax Code of the Republic of Uzbekistan. There are a number of taxes and mandatory payments on the territory of the Republic of Uzbekistan, where resource payments and property taxes are of particular importance. They include:

- property tax;
- land tax;
- taxes and special payments for subsoil users (subsoil use tax, value added tax, bonus);
- water use tax.

Whilst property and natural resource taxes are more economical in nature, they are different from other types of direct taxes.

At the same time, the fact that these types of taxes are reflected in the budget parameters requires a separate approach.

Taxes should provide sufficient income for the state budget and contribute to the development of entrepreneurship in the country. Natural resource and property taxes, in addition to the foregoing, should facilitate the efficient and rational use of resources by economic entities.

The share of property and resource taxes in the budget revenue has fluctuated around 15 percent over the past decade, with no significant changes. From 2019, these taxes are expected to increase their share of budget revenues.

Although the introduction of property tax, land tax and water use tax for all businesses from 2019 provides an economic mechanism for the efficient and rational

use of these resources, there are some challenges in the system of natural resources and property taxation.

The results of the study show that some problems in the system of taxation of natural resources and property require some changes. Here are some of the key ones:

1) Definition of the amount of tax with regard to land taxation and the status of land tax does not fully reflect the essence of this tax. This is clearly reflected in the land tax levied on non-agricultural enterprises. The object of the land tax for such enterprises is not the area of land, but should be deducted from the cadastral value of land formed on the basis of location, demand and supply.

2) It is known that the tax rates for subsoil use are stratified according to the types of depths and have not been practically changed for many years. In recent years, the world market for mineral resources has been uneven. Therefore, it is advisable to revise the tax rates for the use of existing subsoil and to set the tax rates for new mineral resources.

3) Withdrawal of additional income tax for several types of goods from 2019 was reserved for gas products only. In our opinion, it is necessary to abolish the gas tax for gas products to simplify the taxation system.

4) For the amount of water that exceeds the limits of norms for water use and consumption, it is necessary to apply the increased tax base for the use of water resources without the permission of the competent authorities.

5) Unpaid equipment on property tax subject from legal entities should be excluded. This is because no business entity is interested in purchasing and installing equipment and not using them.

6) Property tax is calculated based on the cadastral value of the property. However, the cadastral value of the property differs significantly from its market value. Therefore, it is advisable to improve the system of cadastral valuation of residential property and non-residential facilities. It is also necessary to increase the tax rate on two or more property of individuals

**СафаровҒ.А. – ТМИ мустақил изланувчиси, и.ф.н.**

## **ТАБИЙ РЕСУРС ВА МОЛ-МУЛКЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мақолада табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортишнинг назарий жиҳатлари, турлари, бюджет даромадларидаги аҳамияти, амалдаги ҳолати танқидий жиҳатдан ўрганилган, бу борадаги муаммоларга тўхталиб, уларни бартараф этишга доир муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** Табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш, ер солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи.

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ И ИМУЩЕСТВА**

В статье критически рассмотрены теоретические аспекты и текущее состояние налогообложения природных ресурсов и имущества, их виды и значение в доходах государственного бюджета; выявлены проблемы в данной сфере и приведены авторские рассуждения по их решению.

**Ключевые слова:** Налогообложение природных ресурсов и имущества, земельный налог, налог за пользование недрами, налог за пользование водными ресурсами, налог на имущество.

### **Кириш**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими тубдан янгидан ташкил қилинди. Солиқ тизими мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига мутаносиб равишда ислоҳ қилиниб, бугунги кунда миллий анъаналаримизни ва жаҳон амалиётининг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган солиқлар амал қилмоқда. Бу борада кенг кўламли солиқ ислохотларини олиб борилиши натижасида аҳолининг реал даромадларини ошишига, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятини жадал ривожлантиришга эришилди. Айниқса, бюджет-солиқ тизимининг эркинлаштирилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

1991 йил солиқ юки даражаси 41,2 %ни ташкил этган бўлса, ўтган йиллар мобайнида оқилона иқтисодий сиёсат олиб борилиши натижасида бу кўрсаткич икки мартадан кўпроқ пасайди, яъни солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш натижасида бугунги кунга келиб, солиқ юки 19,4 %ни ташкил этмоқда[1].

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши натижасида табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимида кескин бурилиш бўлди[2]. Барча тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг жорий этилиши уларни бундай ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиши учун иқтисодий механизм яратди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини амалиётга жорий этилиши натижасида табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришларни давлат бюджети ва солиқ тўловчилар фаолиятига таъсирини танқидий ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари хорижлик ва маҳаллий мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Бу борада бир қатор хорижлик мутахассислар, хусусан, S.Sen, H.Volleberg[3]илмий изланишларида табиий ресурсларни солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Уларнинг тадқиқотлари кўрсатадики, энергияучунсолиқларнингбиреврогақўпайишиузокмуддатлиистикболдаёқилғис арфланишидануглеродчиқиндиларини 0,73 фоизгакамайтиради. Ривожланган давлатлар олимларининг тадқиқотларида табиий ресурсларлардан фойдаланганлик учун солиқлар экологик солиқлар сифатида ўрганилган[4].

Рус иқтисодчиси В.Пансков ўз тадқиқотларида табиий ресурсларни солиққа тортиш тизимидаги муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал этиш йўллари ёритган. Унинг фикрича ресурс солиқларини бюджет даромадларидаги аҳамиятини ошириш керак. Бу жараён табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларни ислоҳ қилишнинг стратегик йўналиши сифатида қаралиши лозим. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар тизими бир томондан давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг муҳим манбаси сифатида қаралса, иккинчи томондан давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишнинг молиявий воситаси бўлиши зарур[5].

Мамлакатимизда солиқлар ва солиққа тортишга доир изланишлар олиб борган иқтисодчилардан Б.Умаров, А.Мусағалиев[6], Д.Қурбанов[7]лар ўз тадқиқот ишларида табиий ресурс ва мол-мулк солиқларини маълум бир жиҳатларини ёки турларини тадқиқ этган. Лекин айнан мамлакатимизда табиий ресурс ва мол-мулк солиқлари яхлит тарзда атрофлича ўрганилмаган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакат солиқ тизими ва унинг хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир қатор солиқлар ва мажбурий тўловлар амал қилиб, улар таркибида эгри ва тўғри солиқлар асосий ўринни эгалласада, ресурс

тўловлари ва мол-мулк солиғи ҳам алоҳида амамиятга эга. Бугунги кунда улар таркиби қуйидагилардан иборат (1-расм).



1-расм. Табиий ресурс ва мол-мулк солиқлари таркиби

Умуман солиқларга доир назарий қарашларда улар тўғри ва эгри солиқларга ажратилади. Солиқлар қандай миқдорда ва кўринишда бўлишидан қатъий назар иқтисодий моҳиятига кўра тўғри ёки эгри солиқлар сифатида қаралади. Лекин амалиётда тўғри солиқ эгри солиқ сифатида, эгри солиқ тўғри солиқ сифатида намоён бўлиши мумкин. Бу товар (иш, хизмат)ларга бўлган талаб ва таклифнинг эгилувчанлигига боғлиқ.


Мол-мулк ва табиий ресурс солиқлари иқтисодий моҳиятига кўра кўпроқ тўғри солиқларга мос келсада, хусусиятларига кўра тўғри солиқларнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Шу билан бирга мазкур турдаги солиқларнинг бюджет параметрларида алоҳида ақс эттирилганлиги, уларга алоҳида ёндашувни талаб этади.

Солиқлар давлат бюджети даромадларини етарлича маблағ билан таъминлаш билан бирга, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига хизмат қилиши зарур. Табиий ресурс ва мол-мулк солиқлари юқоридагилардан ташқари хўжалик субъектларининг ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишига хизмат қилиши керак.

2-расмда республикамиз давлат бюджети даромадларининг таркиби (жамига нисбатан фоизда) ўз ифодасини топган. Сўнгги йилларда бюджет даромадлари таркибида эгри солиқларнинг улуши юқорилигича қолмоқда. Қарийиб охириги ўн йил давомида эгри солиқлар бюджет даромадларининг ўртача 50 фоиздан ортиғини ташкил қилмоқда. Тўғри солиқларнинг улуши эса камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2018 йилда 26 фоиздан, 2018 йилда 19,8 фоизга қадар, яъни 6,2 фоизга камайган. 2019 йилдан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг

амалиётга жорий қилиниши натижасида тўғри солиқларнинг аҳамиятини кескин ошиши, яъни бюджет даромадларининг 28,4 фоизини ташкил этиши кутилмоқда[9].



2-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркиби (жамига нисбатан %да)[8]

Мол-мулк ва ресурс солиқларининг улуши 15 фоиз атрофида тебраниб, кескин ўзгариш кузатилмаган. 2019 йилдан мазкур солиқларни бюджет даромадлари таркибидаги улушини ошиши кутилмоқда.

Демак, 2008 йилдан қўлланилган иккинчи таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амал қилиши йилларида давлат бюджети даромадлари таркибида (солиқ гуруҳлари бўйича) кескин ўзгариш кузатилмаган. Тўғри солиқлар ставкаларининг йиллар давомида пасайтирилиши натижасида уларнинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши ҳам камайган. Мол-мулк ва ресурс солиқлари механизмида кескин ўзгариш бўлмаганлиги сабабли уларнинг улушида ҳам кескин ўзгаришлар бўлмаган.

Мамлакатимизда солиққа тортишнинг икки хил тартиби, яъни умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартиби амал қилиб, 2019 йилга қадар йирик корхоналар умумбелгиланган тартибда солиқ тўлаган бўлса, кичик тадбиркорлик субъектлари бир нечта солиқлар ва мажбурий тўловлар ўрнига соддалаштирилган солиқларни у ёки бу турини тўладилар. Натижада, соддалаштирилган солиққа тортиш тартибларида солиқ тўлаган хўжалик субъектлари мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўламадилар.

Республикада солиқ тизимини соддалаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар охир-оқибат солиқ тизимини мураккаблаштириб



юборди. Солиқ тизимининг нобарқарорлиги сабаблари тадқиқи ягона солиққа тортиш механизмларида бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатди. Бундай бўшлиқларни бартараф этишга бўлган ҳаракатлар нафақат солиқ режимлари кўпайиб кетишига, балки солиқ ставкаларининг ҳам ҳаддан зиёд табақалашувига, шунингдек, солиқ базаларини аниқлашнинг илмий асосланмаган турли хил базавий меъёрлари ўрнатилишига олиб келди [10].

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2019 йилдан барча тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг жорий этилиши уларни бундай ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиши учун иқтисодий механизм яратган бўлсада, табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимида айрим муаммолар кузатилмоқда.

Республикада ер солиғи ставкалари ердан фойдаланиш мақсадига кўра белгиланиб, унинг ставкасини белгилашдаги асосий мезон бўлиб ернинг балл-бонитети ҳисобланади. Ер солиғи юкининг асосий қисми ноқишлоқ хўжалиги корхоналари зиммасига тўғри келган бир шароитда, улар учун ер солиғи объектининг ер майдони қилиб белгиланиши ер солиғининг моҳиятини ўзида етарлича намоён этмайди. Чунки ноқишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эмаслигини эътиборга олган ҳолда, бундай корхоналар учун ер солиғининг объекти ер майдони эмас, балки ернинг жойлашуви, унга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланган ернинг кадастр қийматидан ундирилиши ўз моҳиятини кўпроқ намоён этади. Бу ўз навбатида, келажакда амалдаги ер солиғи ва мол-мулк солиғини унификация қилиш имкониятини яратади. Қолаверса, ноқишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерга бўлган зарурати даражасида ер участкаларидан фойдаланишга бўлган манфаатдорлигига, шунингдек, ерларнинг сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар учун молиявий ресурсларни шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш тартибини тубдан қайтадан кўриб чиқиш ва уларни республикада табиий ресурсларнинг асосий истеъмолчиси эканлигини ҳисобга олиб, табиий ресурс солиқларига устуворлик бериш ва уларни даромад олиш мавсумийлигидан келиб чиқиб тўлаш тартибларининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Республикамизда амалда бўлган бошқа солиқлардан фарқли равишда, кўп йиллардан буён ер участкаларига солиқ солиш тизимини халқаро тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштириш ишлари амалга оширилмади. Амалдаги тизим ва ўрнатилган ставкалар солиқ солишнинг адолатлилик тамойили талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шу боис, ер участкаларидан солиқ ундириш тартиби ва тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Табиий ресурс солиқларининг асосий турларидан бири ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ер ости бойликларининг

турларига қараб табақалашган тарзда белгиланган ва кўп йиллар давомида деярли ўзгартириш киритилмаган. Охирги йилларда ер ости бойликларининг жаҳон бозоридаги нархи бир текис эмас. Шу боис, амалдаги ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш ва янги қазилма бойликлар учун солиқ ставкаларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, солиқ ставкасини қазиб олинаётган айрим қазилма бойликларининг оғирлигига (тонна) нисбатан белгиланиши ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, қазиб олинган фойдали қазилманинг миқдори статистик ҳисоботларда ҳажмда (куб.метр) кўрсатилади, бироқ қазилмаларнинг зичлиги бир-биридан фарқ қилганлиги боис, ҳажми (куб.метр) оғирликка (тонна) ўтказишда солиқ тўловчи ва солиқ органлари ўртасида тушунмовчилик юзага келмоқда, натижада солиқ ҳисоботлари нотўғри тўлдирилмоқда.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни такомиллаштиришда уни ҳисоблашни соддалаштириш, шаффофликни ва тушумнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, солиқ ставкаларини ер ости бойликларининг ҳажмига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқ.

2019 йилдан эътиборан кўшимча фойда солиғи қўлланиладиган товарлар сони камайтирилди. Жумладан, цемент, клинкер каби товарлар учун кўшимча фойда солиғи бекор қилиниб, фақат газ маҳсулотлари учун сақлаб қолинди. Бизнингча, солиқ солиш тизимини соддалаштириш учун мазкур солиқни бекор қилиш лозим.

Мамлакатда сув ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳар йили сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари индексация қилинмоқда. Бу ҳолат кўпинча иқтисодиётдаги инфляция даражаси билан боғлиқ. Чунки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари фойдаланилган сув ҳажмига нисбатан қатъий сўмда белгиланган.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, амалдаги сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқа мақсадлар учун ишлатилган сув ҳажмига саноат корхоналари учун белгиланган ставкаларни;

- алкоголь маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажмига алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажми учун белгиланган ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан меъеридан ортиқ, улардан ваколатли органларнинг рухсатсиз фойдаланиши солиқ мажбуриятларини ҳам ошишига олиб келади. Бу орқали чекланган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланишни солиқ механизми воситасида тартибга солишга эришилади. Шу боис, сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилиш лимит (меъёр)ларидан ортиқча олинган сув ҳажми учун ҳамда сув ресурсларидан ваколатли органларнинг рухсатсиз фойдаланилганда сув ресурсларидан



фойдаланганлик учун солиқ базавий ставкасининг оширилган миқдорини қўллаш зарур. Мазкур тартиб натижасида сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга иқтисодий механизм орқали таъсир кўрсатилади.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи объектини белгилашда сўнгги йилларда бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Солиқ солиш объектдан номоддий активлар қиймати чиқариб ташланди ва бошқалар. Шунга қарамадан, мол-мулк солиғи механизмида айрим мунозарали масалалар сақланиб қоляпти. Жумладан, амалдаги солиқ қонунчилигида муддатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналар учун икки қарра оширилган ставкада солиқ тўлаш белгиланган. Назаримизда ҳеч бир тадбиркорлик субъекти асбоб-ускуналарни хариб қилиб, уларни ўрнатиб ишлаб чиқаришда фойдаланмасликдан манфаатдор эмас. Шу боис, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи объектдан муддатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни чиқариб ташлаш керак. Бу ўзгариш натижасида тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайишига ва солиқ тўловчилар ихтиёрида кўшимча маблағ қолишига эришилади.

Амалдаги солиқ қонунчилига асосан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи кадастр идоралари томонидан тақдим этилган жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматлари асосида солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади. Лекин жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулкларнинг кадастр қийматини белгилаш тизими мулкни баҳосига таъсир қилувчи қатор омиллар инobatга олинмаганлиги сабабли кадастр қиймати унинг бозор қийматидан фарқ қилади. Шу боис, жисмоний шахсларнинг турар жойлари ва нотурар объектларини кадастр қийматини белгилаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари солиқ солиш объектининг эгаллаб турган майдони (кв.м)га қараб табақалашган. Лекин бунда битта солиқ тўловчига тегишли бўлган бир нечта мол-мулк майдони ҳисобга олинмаган. Бизнингча, мол-мулкнинг умумий майдони аниқланаётганда солиқ тўловчига тегишли бўлган барча мол-мулклар ҳисобга олиниши керак.

### **Хулосалар ва таклифлар**

Тадқиқот натижалари кўрсатмоқдаки, табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимидаги айрим муаммолар, бу борада бир қатор ўзгаришлар қилишни тақазо этмоқда. Уларнинг асосийларини қуйида келтириб ўтамиз.

Ер солиғи объектининг ер майдонлари қилиб белгиланиши ва ернинг бонитети (сифати)ни ҳисобга олган ҳолда солиқ суммасининг аниқланиши мазкур солиқнинг моҳиятини тўлиқ ўзида ифодалай олмайди. Бу ҳолат ноқишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган ер солиғида яққол намоён бўлмоқда. Бундай корхоналар учун ер солиғининг объекти ер майдони эмас, балки ернинг жойлашуви, унга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланган ернинг кадастр қийматидан ундирилиши лозим.

Маълумки, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ер ости бойликларининг турларига қараб табақалашган тарзда белгиланган ва кўп йиллар давомида деярли ўзгартириш киритилмаган. Охирги йилларда ер ости бойликларининг жаҳон бозоридаги нархи бир текис эмас. Шу боис, амалдаги ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш ва янги қазилма бойликлар учун солиқ ставкаларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

2019 йилдан эътиборанбир нечтатурдаги товарлар учун кўшимча фойда солиғи бекор қилиниб, фақат газ маҳсулотлари учун сақлаб қолинди. Бизнингча, солиқ солиш тизимини соддалаштириш учун газ маҳсулотлари учун кўшимча фойда солиғини бекор қилиш лозим.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқа мақсадлар учун ишлатилган сув ҳажмига саноат корхоналари учун белгиланган ставкаларни;

- алкоголь маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажмига алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажми учун белгиланган ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилиш лимит (меъёр)ларидан ортиқча олинган сув ҳажми учун, сув ресурсларидан ваколатли органларнинг рухсатсиз фойдаланилганда базавий ставканинг оширилган миқдорини қўллаш зарур.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи объектида муддатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни чиқариб ташлаш керак. Чунки ҳеч бир тадбиркорлик субъекти асбоб-ускуналарни хариб қилиб, уларни ўрнатиб ишлаб чиқаришда фойдаланмасликдан манфаатдор эмас.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи мол-мулкнинг кадастр қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади. Лекин мол-мулкнинг кадастр қиймати унинг бозор қийматидан кескин фарқ қилади. Шу боис, жисмоний шахсларнинг турар жой фонди ва нотурар объектларини кадастр қийматини белгилаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг икки ва ундан ортиқ мол-мулкларига солиқ ставкасини ошириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирги (<https://www.mf.uz>) ва Давлат статистика қўмитаси (<https://www.stat.uz>)нинг расмий сайти маълумотлари асосида ҳисобланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони (<https://www.lex.uz>).

3. S.Sen and H.Volleberg. The effectiveness of taxing the carbon content of

energyconsumption. Journal of Environmental Economics and Management 92 (2018) 74–99. (<https://www.sciencedirect.com>).

4. Клинова С., Костылева В. Инструменты регулирования экстерналий: сравнительный анализ // Современная экономика: проблемы и решения. 2019. №5. С. 17-27. DOI: 10.17308/meps.2019.5/2103.

5. Пансков В.Г. Налогообложение природных ресурсов: проблемы и пути решения. Журнал Экономика и бизнес, 2018, ст. 91-104.

6. Мусағалиев А.Ж. Минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш йўллари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. - 65 б.

7. Қурбанов Д.Р. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш услубияти ва ундириш механизмини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2017. - 50 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти (<https://www.mf.uz>) маълумотлари асосида ҳисобланди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори.

10. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2018. - 28-29 б.